Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 21 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (10.675)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари парламент қуйи палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан фикр билдирдилар.

●Халқаро бизнес марказида «Болалар неврологиясининг долзарб муаммолари» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Республикамизнинг етук олимлари, ёш мутахассислар ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган ушбу тадбир соҳа мутахассисларига болалар ўлимини камайтириш ва соҳадаги мавжуд муаммолар борасидаги салмоқли ечимларни излаб топишга имкон яратди.

●Тошкентда 2006 йилнинг 29-30 июнь кунлари «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини татбиқ этишда сифатнинг роли» мавзуидаги менежмент тизимлари соҳасига бағишланган иккинчи халқаро конференция бўлиб ўтади. Анжуманни ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқаро стандартларни ва менежментни сертификатлаштирувчи тизимларни татбиқ этувчи корхоналарга ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларни рағбатлантириш йўлидаги қарорини амалда жорий этишдир.

● Ўрта Чирчиқ туманидаги «Камол-ота» фермер хўжалигига Хитойнинг гуруч етиштириш билан шуғулланувчи «Haytek Ko LTD» фирмасининг вакиллари ташриф буюришди. Бу ерга тез орада Хитойдан мини-техникалар келтирилади ва бу гуруч плантациялари ишчиларининг меҳнатини енгиллатиши билан бирга ҳосилни йиғиб олиш жараёнини ҳам тезлаштиришда муҳим омил бўлади.

●Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги касб-ҳунар коллежида иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда корхоналар, фермер хўжаликлари, тумандаги хусусий фирмалар вакиллари бўш ўринларни таклиф этдилар. Ушбу ярмарка ўсмирлар ва қизларга олган билимларини ҳаётга татбиқ этишда асқотадиган ўзларига мос иш топишлари учун имкониятлар яратди.

●Хоразм вилоят ҳокимлигида инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Германиянинг Фридрих Эверил номидаги жамғармаси ҳамкорлигида «Судьялар мустақиллиги» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят судьялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

● «Кўғай» пахта тозалаш акциядорлик жамияти кейинги йилларда ижтимоий масалаларни ривожлантириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, жамият қошида тежалган маблағдан чеварлик цехи ташкил этилган бўлиб, бу ерда саноат корхоналари ишчилари учун турли хилдаги коржомалар, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Айни пайтда цехда ён-атрофдаги маҳаллалардан 40 киши иш билан таъминланди.

● Бугун Тошкентдаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Fete de la musique» номли мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

●Швейцариянинг Женева шаҳрида шу номдаги комиссиянинг ўрнига ташкил этилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Айтиш керакки, Кенгаш таркибига яширин овоз бериш йўли билан сайланган 47 мамлакат кирган. Кенгаш сессияси 30 июнга қадар давом этади.

●Украина Олий Радаси кеча парламент коалициясини шакллантиришга яна бир бор уриниб кўрди. Бироқ у муваффақиятсиз чиқди. Агар 24 июнга қадар ушбу мақсадга эришилмаса, мамлакат Президенти парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

●Франция Буюк Британиядан кейин Исроилнинг Бош вазири Эҳуд Ольмертнинг фаластинликлардан бир томонлама ажралиб чиқиш режасини қўллаб-қувватлашни рад этди. Елисей саройида Эҳуд Ольмерт билан ўтказилган учрашув чоғида Франция Президенти Жак Ширак Исроил ва Фаластин ўртасидаги музокараларнинг тикланиши тарафдори эканлигини билдирди.

●Япония ўз ҳарбий хизматчиларини Ироқ ҳудудидан олиб чиқишга қарор қилди. Мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг баёнотида айтилишича, ҳукумат Ироқ ҳудудидаги япон ҳарбий гуруҳларини тинчлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тугаганлиги сабабли олиб чиқиш ниятида.

●Кеча Сьерра-Леонедаги фуқаролик урушида исёнчиларга қурол- яроғлар етказиб беришда айбланаётган Либериянинг собиқ президенти Чарльз Тейлор Гаага халқаро трибуналининг қарорига кўра Роттердам шаҳрига олиб келинди.

●Венесуэла армиясининг ҳарбий хизматчилари Россияда ишлаб чиқарилган Калашников автоматларининг дастлабки туркумини олишди. Ҳарбий хизматчиларга қуролларни Венесуэла Президенти Уго Чавес топширди. Келгусида Венесуэлада Калашников автоматларини лицензия асосида ишлаб чиқариш бўйича заводни бунёд этиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот- кутубхона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан бахраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига:

аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот- ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклансин.

4. Қуйидагилар:

ахборот-ресурс тармоғи ва ахборот-кутубхона марказлари схемаси 1-иловага мувофиқ;

ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларини яратиш топшириғи 2- иловага мувофиқ;

республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

МАМЛАКАТИМИЗДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУГУН ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАНЛИГИГА, ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИДА ЙЎЛОВЧИЛАР УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТАРКИБИ, СИФАТИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАНЛИГИГА ГУВОҲ БЎЛАЁТИР.




Карор ва ижро

ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу борада ўзига хос қонуний негизни яратиб берди.





Шу жиҳатдан олганда шаҳримизда фаолият юритиб келаётган 3-автобус саройи очиқ акциядорлик жамияти давр талабларига мос равишда иш олиб боришга ҳаракат қилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда автобус саройида 160 та транспорт воситаси 22 та йўналиш бўйича ҳаракатланади. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида транспортларнинг аксарияти «Мерседес-Бенц» русумидаги хорижий автобуслардан иборат. Ҳайдовчиларнинг кўпчилиги йўловчи ташиш бўйича махсус тоифаларга эга бўлиб, ҳозирда 384 нафар ҳайдовчи шаҳримиз ва пойтахтимиз меҳмонларини ўз манзилларига етказиб қўймоқда.

—Ҳозирги кунда асосий эътиборни Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 31 январдаги қарори ижросига қаратмоқдамиз,—дейди «3-автобус саройи» ОАЖ бошқаруви раиси Мирмаҳмуд Мирсодиқов.—Шу маънода йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан доимий равишда ўтаётганлигини назорат қилиб бориш, йўналишларнинг жадвалга мослигини доимий кузатиш сингари вазифалар биз олиб бораётган ишларнинг асосини ташкил этади. Шу билан бирга йўловчи ва чиптачиларимизни махсус кийим-бош билан таъминлаш борасидаги ишларимизни якунлаш арафасида турибмиз.

Шуни айтиш керакки, автобус саройи маъмурияти хусусий сектор билан олиб борилаётган ишларни кенгайтириш мақсадида 6 та юридик шахслар билан шартнома имзолаган бўлиб, ҳозирда 120 та турли русумдаги транспорт воситалари белгиланган йўналишларда йўловчиларни ташимоқда. Бу борадаги амалга оширилаётган ишларнинг барчаси Президентимизнинг шу йилнинг 9 мартидаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлашга қаратилган. Аввалларидек, якка тартибда фаолият юритиб келаётган автоулов эгалари эндиликда автобус саройига бирлашган ҳолда фаолиятни йўлга қўйганлиги тез ва қисқа фурсатларда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Яъни қатнов олдидан автобусларни техник, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш вазифаси юридик шахс зиммасига ўтказилди. Натижада йўловчи ўзига соғлом ҳайдовчи ва унинг бошқарувидаги техник жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган автобус хизмат қилаётганлигини ҳис этади, транспорт воситаси хизматидан кўнгли тўқ бўлиши таъминланди.

Автосарой маъмурияти 2006 йилги дам олиш мавсумида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига ташиш борасида ўз имкониятлари даражасидаги ишларни йўлга қўйган. Жумладан, «Автомобилчи», «Оқтош», «Семурғ», «Алгоритм» сингари дам олиш оромгоҳларига дастлабки дам олувчи болалар гуруҳлари етказиб қўйилди. Корхонада сарф-харажатларни камайтириш мақсадида энергия манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида ҳам бир қанча чора-тадбирлар белгилаб олинган. Ҳозирда бу борадаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ихтиорчилик таклифлари бўйича 2006 йилнинг беш ойи давомида 38 та янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиб, натижада 3 миллион 800 минг сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилди.

Бундан ташқари юқоридаги Қарор талабларини изчил амалга ошириш натижасида корхона тасарруфида бўлган «Пахтакор», «Қорақамиш 2/4», «Шифокорлар шаҳарчаси», «Талабалар шаҳарчаси», «Чорсу», М.Уйғур шоҳбекатлари имконият доирасида таъмирдан чиқарилганлигини айтиш мумкин.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: «3-автобус саройи» ОАЖ фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎРИН ТУТАДИ, НАФАҚАТ МУАЙЯН МАМЛАКАТЛАР, БАЛКИ ГЛОБАЛ МИҚЁСДА СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ЖИДДИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ.

Тошкентда бўлиб ўтган халқаро учрашув - давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. У Сиёсий тадқиқотлар маркази (Ўзбекистон) томонидан ташкил этилди. Давра суҳбатининг мавзуси — «Замонавий ахборот майдонининг шаклланиши: медия ҳудудини ташкил этишда ахборот технологиялари, тузилмавий ёндашув ва минтақавий хусусиятларнинг роли», деб аталди.

Учрашувга кўплаб таниқли журналистлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш соҳаси ҳамда унга дахлдор илмий фанлар, жумладан, социология, психология, юқори технологиялар, иқтисод, маданиятшунослик, сиёсатшунослик каби соҳалар мутахассислари таклиф этилди. Учрашувнинг хорижий иштирокчилари орасида Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Франция, Япониянинг етакчи экспертлари бор.

Сиёсий тадқиқотлар маркази директори, сиёсий фанлар доктори Г.Каримова учрашувни очар экан, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган ва ижтимоий муносабатлар тизимида уларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Қисқа сатрларда

●БУГУН Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 2-кутубхонасида «Менинг мактабим» мавзуида болалар иштирокида ўтказилган расмлар кўрик-танлови 293-мактаб ҳамкорлигида уюштирилди.

●БУГУН Яккасарой туманидаги 26-мактабда «Яккасарой—1», «Қушбеги», «Бошлиқ» маҳаллалари болалари иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан «Тилларни ўрганамиз» деб номланган ўқув курси машғулоти ўтказилди.

●БУГУН Миробод туманидаги Йўлдош Охунбобоев маҳалла гузарида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими томонидан ёшлар, ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.

●БУГУН Ҳамза туманидаги 161,166,206-мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларида яқинлашиб келаётган Бутунжаҳон гиёвандликка қарши кураш куни муносабати билан «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилган тадбир «Биз—гиёвандликка қаршимиз» деб номланди.

●БУГУН Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактаб қошида фаолият юритаётган «Салом» соғломлаштириш оромгоҳида туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар ижодиёти маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида тарбияланувчилар иштирокида «Камалак жилоси» деб номланган асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов уюштирилди.

●ТОШКЕНТ педиатрия-тиббиёт институти клиникасида жанубий кореялик шифокорлар ёрдамида беморлар жарроҳлик йўли билан даволанмоқда.

●ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси, Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликларида КЕЧА археолог олимлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман археология соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масаласига бағишланди.

●КЕЧАДАН Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтида «Талаба ёшлар ижодиёти» еттинчи кўрик-фестивали ўз ишини бошлади. Ушбу тадбир 30 июнгача давом этади.

●КЕЧА Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Мирзо Улуғбек туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлими Кенгаши ҳомийлигида туманда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийларига, ёлғиз қарияларга доридармон воситалари тарқатилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш:

бир ой муддатда белгиланган тартибда кутубхоналарни, 4-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб- ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини;

икки ой муддатда барча кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

икки ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини белгилаб берувчи тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Идораларо кенгаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Амалга оширилган ишларнинг якунлари тўғрисида 2006 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот берилсин.

6. Белгилансинки, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида электрон кутубхоналарни ташкил қилган ҳамда илғор ахборот технологияларини тадбиқ этган ҳолда ушбу марказларни компьютерлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот-ресурс марказларининг моддий- техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига:

ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда «ZiyoNET» ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юклансин.

8. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент Давлат маданият институти ва Тошкент Ахборот технологиялари университетида «ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» таълим йўналиши бўйича бакалавриат кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

бир ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга нисбатан қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 июнь.



ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Илғор ахборот-коммуникация технологиялари уларнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, чунки технология ёрдамида ахборот олиш имконияти тобора кенгаймоқда. Айни пайтда, глобаллашув шароитида турли мамлакатларнинг тарихий-маданий хусусиятлари ва ривожланишдаги ўзига хосликларини сақлаб қолиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Демократик тараққиёт йўлини танлаган бизнинг мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Улар фаолиятининг ҳуқуқий базаси яратилган ва у такомиллаштирилмоқда, бу база ахборотнинг очиқлиги, ошкоралигини кафолатлайди. У нафақат давлат, балки аҳолининг турли қатламлари учун мўлжалланган мустақил оммавий ахборот воситалари сонининг ортишига хизмат қилади. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг илғор ахборот- коммуникация технологиялари (АКТ), шу жумладан, рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш жамиятни янада демократлаштириш жараёнида уларнинг фаоллигини ва таъсирини оширишга ёрдам беради.

Учрашув қатнашчилари оммавий ахборот воситалари соҳаси билан боғлиқ учта асосий жиҳат - уларнинг ахборот ишлаб чиқарувчилар сифатидаги фаолияти, оммага таъсири ва ахборотни етказиш воситаси сифатида АКТни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Таъкидландики, ахборот майдонининг глобаллашуви жараёнида замонавий технологияларга асосланган телевидение ва Интернетнинг пайдо бўлиши ҳисобига сайёрамизнинг турли минтақалари оммавий ахборот воситалари иш тажрибасини ўрганиш долзарб вазифага айланмоқда. Биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари фаолияти ва ахборот технологияларидан фойдаланишда маданий, тарихий, иқтисодий ва бошқа турли ёндашувлар мавжуд бўлган Ғарб, Осиё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш лозим. Бундай тажрибани ўрганиш Марказий Осиё давлатлари учун айниқса муҳим, чунки бугунги кунда улар ўз ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миллий ва минтақавий ахборот майдонларини кенгайтириш сиёсатини амалга оширмоқда.

Учрашувда ахборот жамиятлари жадал шаклланаётган, глобал ва минтақавий хавфсизликка нисбатан янги таҳдидлар ва янги муаммолар пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда етакчи оммавий ахборот воситаларининг стратегиясига оид масалалар муҳокама қилинди. Франциянинг электрон оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича «Алматропи» ассоциацияси президенти С.Судоплатофф, Россиянинг «Политика» жамғармаси президенти В.Никонов, Германиянинг А.Шпрингер номидаги нашриёт уйи Журналистлар мактаби директори ўринбосари Р.Порш, Корея Республикаси Ахборот ва коммуникация университети профессори Чжу Хун Сун, Россия телерадиоэшиттириш миллий уюшмаси президенти Э.Сагалаев, Япониянинг «NHK» телерадиокомпанияси маъмурий ресурслар департаменти бошқармаси бошлиғи Н.Накамура, бошқа таниқли журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари шу ҳақда гапирдилар. Улар учрашув қатнашчиларини оммавий ахборот воситаларининг жамият ва бизнес билан алоқаси, жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги таъсири каби йўналишларда ўз мамлакатларининг назарий ва амалий ютуқлари билан таништирдилар.

Анжуманда истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари истак ва эҳтиёжларини ўрганишнинг янги услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари бундай технологиялар ва услубларга таяниб, ахборотни етказиб беришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли стратегияларини яратмоқда. Айни пайтда унинг айрим турларига, шу жумладан, сиёсат, иқтисод, савдо, фан, таълим, маданият каби соҳаларда аҳоли талабини шакллантирмоқда. Учрашувда, шунингдек, жаҳон тажрибасининг бошқа жиҳатлари ҳам тилга олинди. Улар орасида истеъмолчига ахборотни етказиб бериш соҳасида устуворликларни танлаш, оммавий ахборот воситалари ишида ахборотни узатиш тезлиги ортиши билан боғлиқ ўзгаришлар, электрон ресурслар ривожланиши натижасида медия бозорида рақобатнинг кескинлашуви каби долзарб масалалар бор.

Таҳлилчилар, тадқиқотчилар ва журналистлар глобал ахборот майдонининг узвий қисми сифатида Марказий Осиё давлатлари ахборот ҳудудларининг ривожланиши ва шаклланиши истиқболларини ҳам кўриб чиқдилар. Бунда уларнинг ўз стратегик манфаатлари ҳамда «рақамли» ва медия ҳудуди соҳасида дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлиги ҳисобга олинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА мухбирлари

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЗАРУР

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ НАРКОТИКЛАР АЙЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ФЕДЕРАЛ ХИЗМАТИ ДИРЕКТОРИ ВИКТОР ЧЕРКЕСОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқотларда мамлакатларимизнинг наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлигига, жумладан, ҳуқуқ-тартибот органларининг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва кучайтиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва наркотик савдоси билан боғлиқ масалаларда ахборот алмашувини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Наркобизнесга қатъий чек қўйиш тарафдори бўлган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдидаги мажбуриятларини бажараётгани алоҳида қайд этилди. Мамлакатимизда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Юртимизнинг бу муҳим ишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш борасида изчил чора- тадбирлар амалга ошириляпти. Ўтган йили наркотиклар билан боғлиқ юзлаб жиноят фош этилди, 1222 килограмм оғу, шу жумладан, 467 килограмм героин қўлга олинди. Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ушлаб қолинган гиёҳванд моддалар юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари гувоҳлигида ёқиб юборилмоқда.

— Кучларни ўзаро бирлаштирмасдан наркотрафикка ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда кутилган натижага эришиб бўлмайди, — деди В.Черкесов матбуот анжуманида. — Россия Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан бу борадаги ҳамкорликни кучайтирмоқда. Россияда гиёҳвандлар сонининг ортаётгани бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмасдан бу муаммони ҳал қилиш қийин.

Меҳмон Ўзбекистон гиёҳвандликка қарши кураш борасида катта тажрибага эга эканлигини таъкидлади. Мамлакатимизда бу соҳада ўз вақтида кўрилган чора- тадбирлар бугун самарасини бераётганини қайд этди.

ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС-ҒОЯ — 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА «КАПИТАЛ- БАНК» АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ «ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС-ҒОЯ – 2006» ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Танловдан кўзланган мақсад — бизнеснинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Танловнинг ўтказилиши истиқболли, инновацион бизнес- ғояларни аниқлаш ва жорий этишга ёрдам бериши керак. «Капиталбанк» акционерлик-тижорат банки молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Танловда барча қизиққан шахслар иштирок этиши мумкин. Бизнес-ғоя тақдим этилаётган соҳада иш тажрибаси борлиги ҳамда Ўзбекистон тижорат банклари ходимлари иштироки маъқулланади.

Бизнес-ғояга талаблар оддий. Ҳақиқатда амалга ошириш мумкинлиги. Молиялашнинг максимал ҳажми 200 минг АҚШ доллари ёки унинг миллий валютадаги эквиваленти. Маҳаллий хомашё ва инсон ресурсларидан фойдаланиш афзаллиги. Экспорт қилиш имконияти. Даромад даражаси сарфланган инвестицияларга йилига камида 50% бўлиши ва лойиҳанинг ўзини қоплаш муддати икки йилдан ошмаслиги керак.

Аризада ғоянинг моҳиятини қисқача баён этиш зарур. Таклиф этилаётган маҳсулот ёки хизматга бозорда талабни маркетинг жиҳатдан асослаш, лойиҳанинг ўзини қоплаши ва даромад олиш салоҳиятига оид қисқача ҳисоб-китобни бериш керак. Шунингдек, жорий ва истиқболдаги рақобат муҳити тадқиқоти, ғояни амалга ошириш давомида қўлланадиган технология ва ускуналар тавсифи ҳам зарур.

Расмийлаштирилган бизнес-ғояларни 2006 йил 1 августгача bestbusinessidea2006@kapitalbank.uz электрон адресига жўнатиш лозим. Энг истиқболли лойиҳаларни кўриб чиқиш ва саралаш 2006 йил 1 сентябргача бўлиб ўтади. Танлов ҳайъатига Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ишбилармонлик маслаҳатларини ривожлантириш дастури, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Банкларо савдо тизими ва «Капитал-банк» вакиллари киради.

Танлаб олинган лойиҳаларнинг муаллифлари танлов ярим финалида иштирок этиш ва ўз ғояларини тақдим этиб, ҳимоя қилиш учун таклиф этилади. Ўтказилиш муддати - сентябрнинг учинчи ўн кунлиги. Танловнинг финали октябрнинг иккинчи ўн кунлигида бўлиб ўтади.

Финалга чиққанлар пул мукофотлари ва эсдалик сертификатлари билан тақдирланади: 1-ўрин — 1.000.000 сўм ёки компьютер, 2-ўрин — 500.000 сўм ёки телевизор, 3-ўрин — 300.000 сўм ёки DVD қўйиш мосламаси.

Танлов ғолиблари «Капитал-банк» билан шериклик шарти асосида лойиҳани амалга ошириш учун таклиф этилади. Амалга оширганда лойиҳани бошқаришда мажбурий улуш иштироки кўзда тутилади (80% - банк иштироки, 20% - танлов ғолиби иштироки).

Лойиҳани жорий этиш босқичини консалтинг жиҳатдан қўллаб- қувватлаш учун, агар лойиҳа кўрсаткичлари барча талабларга жавоб берса, Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ишбилармонлик маслаҳатлари дастурининг грант маблағлари жалб этилади. Энг яхши лойиҳаларни молиялаш учун «Капитал- банк» кафолати остида корпоратив облигациялар чиқариш ташкил этилади. Лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгани сари акциялар фонд бозорида бирламчи жойлаштирилганда облигацияларни акцияларга алмаштириш имконияти мавжуд бўлади.

ЎзА

Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖИДА КИЧИК КОРХОНАЛАР ҲАМДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР. ШУ БОИС МАЗКУР СОҲАГА ДАВЛАТИМИЗ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ, УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАБ, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТМОҚДА.

Шундай қулай шарт-шароитлар ҳамда ҳуқуқий заминдан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар орасида Яккасарой туманида фаолият юритаётган «TESI» хусусий фирмаси алоҳида ўринга эгалиги билан ажралиб туради. Хусусан, ушбу корхонанинг барча маҳсулотлари маҳаллий ҳом ашёдан тайёрланади.

— Бугунги кунга келиб сифатли, кўркам, камалак рангларда товланувчи шишадан тайёрланган маҳсулотларимиз 30 хилга яқинлашиб қолди, — дейди фирма директори Александр Золухин. — 5 йиллик фаолиятимиз давомида шунга амин бўлдимки, ички бозоримизни доимий чуқур ўрганиш асосида янгидан-янги маҳсулотлар яратиш муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Сифат ҳамда ишчи-хизматчиларнинг тартиб-интизоми асосий эътиборда. Буюртмаларнинг қисқа муддатларда бажарилиши ҳам бизда қонун.

Фирманинг буюртмачилари асосан пойтахтимиз, республикамиздаги болалар муассасалари ҳисобланади. Корхона аҳлининг анъанавий услубда яратган турли ҳажм ва шакллардаги қандиллари, осма чироқлар, бра ҳамда замонавий дизайнда ишланган бири-биридан чиройли, хонага ўзига хос кўркамлик ва файз бағишловчи торшер ҳамда махсус чироқларнинг нархлари нисбатан арзонлиги ҳам мижозларни мамнун қилмоқда.

Жорий йил охиригача фирма тадбиркорлари яна 3 турдаги янги маҳсулот яратиб, ички бозоримизга чиқаришга астойдил бел боғлашган. Асосийси, фирмада янги иш жойларини яратиш ҳам режаланган.

Рустам РУСТАМОВ

МОМОЛАРИМИЗДАН МЕРОС

БУГУНГИ КУНДА АЁЛ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА. НЕЧА АСРЛАРДАН БУЁН ҚЎЛИ ГУЛ МОМОЛАРИМИЗДАН МЕРОС ҚОЛГАН ЗАРДЎЗЛИК, КАШТАЧИЛИК, ПОПОПЧИЛИК КАБИ БИРИ-БИРИДАН ГЎЗАЛ ҲУНАР ЭГАЛАРИНИНГ САНЪАТИГА, МАҲОРАТИГА ТАН БЕРМАЙ ИЛОЖИМИЗ ЙЎҚ.

Эътиборли томони, XXI— техника асрида ҳам ёшларимиз ҳунармандчиликка катта қизиқиш билдиришмоқда. Учтепа туманидаги Моҳира Аҳмаджонованинг қадимий мумтоз услубдаги каштачиликка меҳри ўзғача. У ноёб ҳисобланган услубни тиклабгина қолмай, замонавий руҳ билан бойитди ҳам. Ҳар қатига қалб қўри қўшилган маҳсулотлари у истиқомат қилаётган маҳалла ёшлари, айниқса ўрта мактабларнинг 17 нафар ўқувчи қизларини ҳунарманд устанинг завқли меҳнат усулини иштиёқ билан ўрганишларига асос бўлмоқда.

АНИҚ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «OLSI» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИНИНГ ЎЗ МУНОСИБ ЎРНИ БОР.

Мазкур жамият аъзолари 22 хил турдаги сифатли металлдан тайёрланган маҳсулотлари билан нафақат шаҳримизда, балки республикамизнинг узоқ вилоятларида ҳам ўз мижозларига эга. Узоқ йиллар хизмат қилиши кафолатланган, осон очилиб-ёпиладиган, қулайлиги билан ажралиб турадиган дарвозалар, чиройли, бежирим панжаралар, тўсинлар, корхона, фирма, банклар учун металл шкаф, касса, турли жиҳозлар жамият ишчи-хизматчиларининг касб-маҳорати, ғайрат-шижоати, машаққатли меҳнати маҳсули ҳисобланади.

Корхона цехларида ўзимизда тайёрланган дастгоҳ ва ускуналардан самарали фойдаланилади, уларга эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида тажрибали, касбининг устаси бўлган олий тоифали ишчилар томонидан тайёрланади. Кейинги йилларда ишчилар қўллари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган сифатли, ишлатишда қулай бўлган дастгоҳ ва ускуналар тайёрланиб, синовдан ўтказилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

«ҲАМКАСБЛАРИМ ВА ДЎСТЛАРИМГА»

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТОШКЕНТ ФОТО УЙИДА ДМИТРИЙ МИХАЙЛОВНИНГ «ҲАМКАСБЛАРИМ ВА ДЎСТЛАРИМГА» МАВЗУИДАГИ ФОТОКЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Д.Михайлов фотожурналистикага оид билимини Ўзбекистон Миллий университетида олган. Дастлаб «Сирдарё ҳақиқати» газетасида, сўнгра мамлакатимизнинг марказий нашрларида самарали фаолият кўрсатган.

Унинг севимли мавзуси - спорт. Турли мусобақалар, турнирлар, беллашувлардаги ҳаяжонли ва унутилмас лаҳзалар, спортчиларимизнинг халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган дақиқалари фотомухбир камераси объективида мангу муҳрланган.

Кўргазмада Д.Михайлов туширган бир юз ўттиздан ортиқ фотосурат намойиш этилмоқда.

ЎзА

Фармон ва ижро

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ТАЪМИНЛАШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини янада ошириш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга оид масалаларга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда гап борди. Тадбир Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғармининг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, жамиятшунослар, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева, Фридрих Эберт номидаги жамғармининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари Р.Крумм ва бошқалар мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар тадрижийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси жорий этилди. Номи қайд этилган Фармон ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон демократик ривожланиш йўли тарафдори эканининг ёрқин мисолидир.

Давра суҳбатида ушбу ўзгаришларни амалга ошириш учун белгиланган муддат давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш зарурати билан боғлиқлигига эътибор қаратилди. Ҳужжат кенг жамоатчилик томонидан, жумладан, хорижда ҳам мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало яшаш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги ғоят муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган жамоатчилик фикри сўровлари таҳлили Ўзбекистон фуқаролари давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги сиёсатини, хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини тўлиқ қўллаб- қувватлаётганини тасдиқлади. Тадқиқот натижалари юртимизда ўлим жазоси қўлланиши тарафдорлари йилдан-йилга камайиб, аксинча, ўлим жазосининг юртимизда бекор қилинишини қўллаб-қувватловчи фуқаролар сони эса ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Очиқ ва ошкора мунозара руҳида ўтган давра суҳбатида «Ўзбекистонликларнинг ўлим жазоси ҳақидаги фикри (социологик тадқиқотлар натижалари бўйича)», «Ўлим жазосини бекор қилиш: Германия тажрибаси» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатлами орасида тарғиб этишнинг янада самарали усулларидан фойдаланиш бўйича таклифлар билдирилди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

Фан

ОЛИМНИНГ САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

АМАЛИЙ ФИЗИКА БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТЛАР КЎПЛАБ ЯНГИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ҚУРИЛМАЛАР ЯРАТИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА. ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ ТУННЕЛ СПЕКТРОСКОПИЯ УСЛУБИЁТИГА ОИД ТЕХНОЛОГИЯСИ ЭСА ТАНИҚЛИ ФИЗИК ОЛИМ ҚАҲҲОР АБДУРАҲМОНОВНИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШИ НАТИЖАСИ БЎЛДИ.

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг «Физика» кафедраси мудири сифатида ҳам профессор яна қатор йирик тадқиқотларни юзага келтирди. Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этишга оид изланиш кутилган натижани берди. Виртуал ўқув қўлланмаси ҳам юзага келди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буюртмаси билан иккита йирик илмий иш ҳам олим раҳбарлигида бажарилди.

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИГА ГЕРМАНИЯЛИК ШАРҚШУНОСЛАР ҲАМ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА. БЕРЛИН-БРАНДЕНБУРГ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ОЛИМЛАРИ БУ САНАНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ ТАДБИРЛАРИНИ КЎРИШМОҚДА.

Ушбу академияда ўтказилган навбатдаги давра суҳбати ҳам Маъмун академияси юбилейига ҳозирлик кўриш масаласига бағишланди. Унда академиянинг аъзоси профессор Штрамейрнинг улуғ олим Абу Райҳон Берунийнинг Маъмун академиясига раҳбарлик қилгани, шу даврда яратган асарлари тўғрисидаги тадқиқоти яхши баҳо олди. Бу изланиш яқинда немис тилида тўплам ҳолида чоп этилди. Муаллиф унинг бир нусхасини Ўзбекистон Фанлар академияси орқали Маъмун академиясига тортиқ қилди.

Айни вақтда профессор юбилей илмий сессиясида маъруза билан қатнашиш истагини билдирди.

Тиббиёт

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАРКАЗИ

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ОИЛА ШИФОКОРИ» ДАСТУРИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАМ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ БОРАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН КЎРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ЎЗ ИЖОБИЙ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА.

Тошкентдаги шаҳар марказий поликлиникасида дастур бўйича бой тажрибалар орттирилди. Бу илғор усул Тошкент тиббиёт академияси томонидан умумлаштирилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, ана шу жараён натижаси «Оила шифокори: фан, амалиёт, таълим» деган мавзуда яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган илмий-амалий конференцияда энг самарали тажриба деб баҳоланди.

Анвар ВАЛИЕВ

Танловлар

ФАКУЛЬТЕТ ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

«КИМ ХИТОЙНИ ЯШИ БИЛАДИ?» ДЕГАН МАВЗУДА УЮШТИРИЛГАН ТАНЛОВДА ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ВА БИЛАҒОН ТАЛАБАЛАР АНИҚЛАНДИ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎТКАЗИЛГАН БУ БЕЛЛАШУВ ХИТОЙ ГЕОГРАФИЯСИ, ТАРИХИ, МАМЛАКАТНИНГ БУГУНГИ КУНИ, ИЛМ-ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИ КАБИ ЕТТИТА ШАРТ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«Ўзбекистон ва Хитой», «Хитой маданияти ва санъати» деган мавзулар доирасида бўлган савол-жавоблар ҳам қизғин ўтди.

Танловда ғолибликни қўлга киритган халқаро иқтисодий муносабатлар факультети талабалар жамоаси Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Хитой миллий маданият маркази мукофотлари билан тақдирланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ УЧУН "КЎЧМА ТЕАТР"

ЁШЛАРНИ ЁЗГИ ТАЪТИЛЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИ МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН "ЁЗНИ "КАМОЛОТ" БИЛАН!" ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Ушбу лойиҳа туман ҳокимлиги, туман Халқ таълими, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари бўлимлари, Болалар ижодий уйи, "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида туманда жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандлари учун "Кўчма театр" ташкил этиляпти. Навбатдаги театр тумандаги 7-сонли мусиқа мактабида бўлиб ўтди.

Маҳалла болалари Тошкент Давлат санъат институти талабалари тайёрлаган ижодий чиқишларни томоша қилишди. Дастурда болалар ўртасида турли қизиқарли ўйинлар ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Лойиҳада Чопон-ота, Олим Хўжаев, Зангиота, Маннон Уйғур, Новза, С. Дарбоза, Камолон, Катта боғ, Оқлон, Кўкча маҳаллаларининг 200 дан зиёд ёшлари иштирок этди.

"Туркистон-пресс"

Иқтисодиёт

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЭНЕРГИЯГА ЎСИБ БОРАЁТГАН ТАЛАБ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДА СУЮҚ УГЛЕВОДОРОДЛАРНИ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ, ШУ БИЛАН БИРГА, НЕФТЬ-ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ГАЗ-КИМЁ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАҚОЗО ҚИЛМОҚДА.

Ўзбекистонда нефтни қайта ишлаш 1885 йилдан бошланган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуасига ўтган асрнинг 50-йилларида асос солинган. Айнан ўша вақтдан бошлаб кенг қўламда қидирув ишлари, конларни қайта ишлаш, нефть ва газ қувурлари қуриш, юқори малакали кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш бошланган.

Ёқилғи-энергетика мажмуасининг ривожи Ўзбекистон иқтисодиётининг устивор йўналиши ҳисобланади. Тармоқ тизими, унинг техник жиҳозланиши юксалмоқда, нефть ва газ қазиб олиш ҳажмлари кенгаймоқда. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон тез орада ўзининг энергия ресурсларига бўлган талабини миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш эвазига таъминлади. Нефть ва газ мустақиллигига эришиш ва келгусида мазкур тармоқни янада ривожлантириш мамлакатимиз халқ хўжалигини муттасил ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Республиканинг табиий бойликларини чет эл компаниялари билан биргаликда ўзлаштириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида Ўзбекистоннинг имкониятлари кенг».

Келажакдаги имкониятларимизга Россия нефть ва газ компаниялари ҳам қизиқиб, ёқилғи-энергетика мажмуасида инвестициялари билан фаол қатнашмоқдалар. Бунга, асосан, 2004 йил июнида Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорлик ҳақидаги битимнинг имзоланиши яна бир асос бўлиб қолди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш жараёни нефть ва газ тармоғини юксалтириш, замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозлаш, экспортга йўналтирилган соҳага айлантириш вазифасини қўймоқда. Чунки жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ликвидлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, республикамиз нефть ва газ саноатида хорижий инвестициялар ёрдамида жуда кўп ишлар бажарилди ва яна йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Марказий Осиё минтақасида мамлакатимизнинг мазкур тармоғини янада янги поғонага кўтариш ишлари амалга оширилмоқда.

Нефть ва газ тармоғининг келгусидаги равнақи нафақат миллий иқтисодиётнинг мазкур товарларга бўлган талабини қондириш, балки келгусида уни экспорт салоҳиятини янада ошириш имкониятини яратмоқда. Бу ўринда хорижий инвестицияларни жалб этиш, ўзлаштириш ва келгусида ривожланиш истиқболларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда кечаётган нефть ва газ тармоғидаги йирик ўзгаришлар, нефтни қазиб олиш, қайта ишлаш ва айрибошлаш сиёсатидаги давлатлараро муносабатларнинг кечиши, биз учун мазкур жараённи пухта таҳлил қилиш ва қатор муқобил имкониятларни қиёслаш вазифасини қўяди. Кўпгина нефть ва газ заҳираларига бой мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мазкур йўналиш хорижий инвестицияларнинг қайтиши тез ва самараси юқори бўлган соҳа ҳисобланади. Нефть ва газ саноатининг ялпи энергетика ресурсларидаги салмоғи юқори ва шу билан бир қаторда, барча мамлакатларнинг мазкур маҳсулотларга эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда.

Нефть ва газ соҳасининг Марказий Осиё, қолаверса, МДҲ мамлакатлари ичида тутган ўрни ва мавқеи ҳам беқиёсдир. Ушбу соҳанинг табиий устуворлик жиҳати нефть ва газ саноатини рақобатбардош, тайёр маҳсулот билан жаҳон бозорида ўз ўрнини топувчи, иқтисодиётнинг муттасил ўсишини таъминловчи тармоққа айлантириш вазифасини қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бевосита хорижий сармоядорларни нефть ва газ конларини қидириш, қазиб чиқаришга жалб этиш чоралари тўғрисида»ги Фармони сафарбар этилаётган хорижий инвестициялар кўламини кенгайтириш, экспорт имкониятларини оширишга йўналтирилган.

Нефть ва газ саноати ишлаб чиқаришни жойлаштириш, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инвестиция ва нарх сиёсатлари ўзаро боғлиқликда намоён бўлмоқда. Шу сабабли, Республикамиз нефть ва газ саноати ривожи ва равнақи жаҳон хўжалиги ва бозорида кечаётган ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш ва қиёслаш асосида амалга оширилмоғи лозим.

Тўлқин ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ОРАМИЗДА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ, УЛАРНИНГ ОДДИЙГИНА ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА ЭЗГУЛИК ШУЪЛАСИ ПОРЛАБ ТУРАДИ. БУ ШУЪЛА ЯШАШГА ИШТИЁҚ УЙҒОТАДИ. ЯХШИ НОМ ҚОЛДИРИШГА УНДАЙДИ, ГЎЗАЛЛИКДАН БАҲРА ОЛАДИ. ЧУНКИ БУНДАЙ ИНСОНЛАР, КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ, ХАЛҚНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ ПОРЛОҚ ВА ИСТИҚБОЛЛИ, ЁРҚИН БЎЛИШИГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИЛАР.

Заҳматкашларимиз

САНЪАТНИНГ ЧАРОҒОН ЙЎЛИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Усмон Тошматовнинг санъат йўлидаги хизматлари таҳсинга сазовордир. —Мен бутун ҳаётимни санъатга бахшида қилдим, — дейди Усмон ака. — Санъатга бўлган меҳрим ва қизиқишим жуда кучли бўлган. Ўзбекистон Давлат консерваториясида таҳсил олар эканман дилимда туйғулар жўш урарди. Санъат соҳасида нималаргадир эришсам, халқимнинг қалбидан муносиб жой олсам дердим. Изланишим, интилишим, ўқиш ва ўрганишим ҳамда соф ниятларим бесамар кетмади. Йиллар давомида фақат меҳнатим маҳсули билан яшашга интилдим. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида ҳам актёр, ҳам қўшиқчи бўлиб ишлар эканман, санъатнинг чароғон йўли доимо мени руҳлантириб келди. Мақсадим ҳам ,истагим ҳам битта эди: ўзбек санъатининг довруғини оламга ёйиш, Ватанга муносиб фарзанд сифатида, доимо халқимниг хизматида бўлиб, унинг олқиши ва меҳрига сазовор бўлиш. Оллоҳга беадад шукрки, бу тилакларимнинг барчаси мустажоб бўлди. Озми-кўпми халқимнинг меҳрига сазовор бўлдим. Илоҳим она Ватанимиз осмони ҳамиша нурафшон бўлсин. Фарзандларимизнинг ёшгина умрлари завол топмасин. Юртдошларимиз фақат эзгуликка талпиниб яшасинлар. Чунки санъат ҳамиша нурли ва юлдузли ошёнлар сари чорлайди. Санъат соҳасидаги одамлар эса, ҳеч қачон ёмонлик қилмайдилар, разолат ва қабоҳат ботқоғига ботмайдилар...

Ҳа, санъат йўлидаги машаққатли меҳнат замирида она Ватанга бўлган юксак меҳр мужассам. Усмон Тошматов Ўзбекистон Давлат консерваториясини тугатибоқ Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида иш бошлади. Шунинг баробарида ўзи ўқиган мазкур институтда талабаларга сабоқ берди. Россия, Германия, Хитой, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби кўплаб чет мамлакатларда гастрол сафарларида бўлиб, санъатимиз ва Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон юрт довруғини тараннум этишга муносиб ҳисса қўшди.

Шунингдек, ўзбек санъатининг ёрқин юлдузлари Тамарахоним,Муҳиддин Қориёқубов, Тўхтасин Жалилов, Мухтор Ашрафий, Мутал Бурхонов, Саодат Қобулова сингари ноёб истеъдод эгалари билан ёнма-ён ишлаб, ижод қилиш бахтига муяссар бўлган. Унинг ижодий салоҳияти миллий маданиятимизнинг тараққиёти йўли билан боғлиқдир. У ижро этган роллар, куйлаган қўшиқ, романслари, опера ва ариялари мухлисларининг қалбидан муносиб жой эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда эса шогирдларининг сирдош суянчиғига айланган. Бир қатор шогирдлари, унинг ҳамкорлигида маънавиятимиз ва маданиятимиз соҳасига ўзларининг салмоқли улушларини қўшмоқдалар.

Усмон Тошматов оилада ҳам куюнчак инсон. У фарзандларининг тарбиясига ҳам, неваралари тарбиясига ҳам ўзини бирдай масъул сезади. Рафиқаси Тамара опа Раҳимова ҳам 35 йилдирки, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри ҳисоблаш бўлимида ишлаб келмоқда. Санъатга ошуфта бу қалблар ҳамкор, ҳамнафас, ҳамқадам ва бирдамликда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

—Усмон Тошматов театримизнинг фахри ҳисобланади,— дейди Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг матбуот котиби Наталья Фиолетова. —У ижро этган ролларни ҳис- ҳаяжонсиз кўриб бўлмайди. Негадир кейинги вақтларда фақат эстрада юлдузлари ҳақида кўп ёзишади, уларни кўкларга чиқариб мақтайдилар, мен бунга қарши эмасман, лекин орамизда ҳам ижоди, ҳам босган қадамлари билан жамиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ажойиб инсонлар борки, улар ҳақида албатта газеталар саҳифасида ёзиш керак. Усмон Тошматов ҳам ана шундай инсонлар қаторига киради. 40 йилдан ошиқ вақт мобайнида театримизнинг саҳналарида ижод қилиб келмоқда. Бугунги кунда эса ёшларнинг севимли мураббийсига айланган. Театримиз жамоаси Усмон Тошматов билан доимо фахрланиб келади. Унинг хизматлари ҳар қандай мақтовга лойиқдир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ташаббус

ВАТАН ИЧРА САЁҲАТ

ҚАДИМИЙ БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ЖОЙЛАШГАН ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРГА БОЙЛИГИ БИЛАН ЖАҲОН САЙЁҲЛАРИНИ ЎЗИГА МАФТУН ЭТМОҚДА.

Дарҳақиқат, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Қўқон сингари дурдона шаҳарлар ўзбек миллий маданияти ва санъатининг минглаб асрларга тенгдошлигидан дарак беради.

Улар башарият моддий меросининг бебаҳо намуналари бўлиб, ўз салобати, гўзал нақшу нигорлари, кишини ҳайратга солувчи меъморий ечимлари билан дунёнинг турли бурчакларидан келувчи зиёратчилар, сайёҳларга ўзгача завқ улашмоқда. Жумладан, Юртбошимиз ташаббуслари билан обод этилиб чирой касб этган ҳамда янгидан барпо этилган зиёратгоҳлар ҳам нафақат хорижлик сайёҳлар, балки ҳамюртларимизнинг ҳам зиёрат масканига айланиб бораётир.

Ҳа, ёдгорликларимиз, буюк боболаримиз қолдирган меросдан баҳраманд бўлиш, уларнинг эзгу ишларини ёдга олиш, миллатдошларимиздан, она-Ватанимиздан ифтихор туйиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ана шуни эътиборга олиб «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси яқинда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида яшовчи турли миллат вакиллари бўлган кекса ва ёшлар, ҳар хил касб эгаларидан иборат 48 нафар юртдошларимизни Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафарларини ташкил этди.

Сафар давомида улар Самарқанддаги Регистон, Гўри Амир, Улуғбек, Шоҳизинда, Имом ал-Бухорий, Ҳазрати Дониёл, Бухородаги Кўҳна Арк, Мир-Араб, Чор Бакр, Минораи Калон, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорликларини зиёрат қилдилар.

Улар зиёрат асносида «Олтин мерос» ХХЖ фаоллари иштирокидаги «Ёдгорликлар мозийдан сўзлар» мавзуидаги кўчма семинарда ҳам иштирок этиб, тарихий ёдгорликларимизга ҳукуматнинг эътибори, уларни авайлаб-асрашда кенг жамоатчилик олдида турган вазифалар, бу борадаги амалга оширилган ва қилинажак ишлар хусусидаги мулоҳазаларни тингладилар. Жумладан, ушбу масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

«Олтин мерос» ХХЖ Тошкент вилояти бошқармаси раҳбари Зарифа Эшмурзаева, жамғарманинг Бухоро вилоят бошқармаси раиси Зулайҳо Каримова, таниқли шоир Садриддин Салим Бухорийнинг ўтмиш қадриятларимиз хусусидаги маърузалари саёҳат иштирокчиларининг таассуротларини янада бойитди.

— Тасаввуф аҳли инсоннинг комиллик сари интилиши ҳақида сўзлаганларида «Сафар дар Ватан» (Ватан ичра сафар) иборасига алоҳида аҳамият берганлар. Дарҳақиқат, ўзликни англаш, миллатингдан ғурур туя олиш учун ҳам ўз туғилган юртингни билишинг лозим. Ана шу маънода «Олтин мерос» жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу саёҳат ибратли деб ўйлайман, — дейди тошкентлик шифокор Шоира Орипова. — Бундай саёҳатларда кексаю ёш Президентимиз томонидан маданий меросимизни авайлаб-асраш, юртимизни обод этиш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик намуналарини ўз кўзлари билан кўрадилар, фахрланадилар.


Жамғарма Ватанимиз Истиқлолининг 15 йиллиги ва Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб бундай саёҳатларни мунтазам уюштиришга қарор қилди.

(Ўз мухбиримиз)

Болалар спорти

МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЯНГИ ОЧИЛГАН «ЮГНАКИЙ» НОМЛИ СПОРТ МАЖМУАСИДА 10-12 ЁШЛИ БОЛАЛАР ЎРТАСИДА МИЛЛИЙ КУРАШ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



25 килограммдан 45 килограммгача вазн тоифаларида баҳс юритган болалар ўзларининг эгаллаган кўникмаларини гиламда кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Тумандаги 113-мактабгача таълим муассасасининг катта гуруҳ тарбияланувчилари ёш курашчиларни ғалаба сари руҳлантириб туришди. Ушбу кичик турнир болалар ўртасида курашнинг ҳақиқий байрамига айланиб кетди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: мусобақалардан лавҳа. Алексей Попов олган сурат.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

●Ор-номус либоси одамнинг айбини беркитади.

●Сўзи кўпнинг дашном эшитиши кўп бўлади.

●Қўлдан кетган нарсага қайғурган киши фикр нуридан ва руҳ суруридан ҳам айрилади.

●Фазилатларни энг сўнгги даражасига етказувчи нарса камтарликдир.

●Табассум кўнгилда меҳр уйғотади.

ЁҚИМЛИ ХУЛҚ ҲАҚИДА

Ёқимли хулқ ҳақида балоғат эгалари айтадилар: «Хусни хулқ шундай нарсаки, унга эга бўлган кишининг ўзи доимо роҳатда бўлади, одамлар эса ундан саломатда бўлади. Ёмон хулқ шундай нарсаки, бундай бадфеъл киши доимо кулфатда бўлади, одамлар эса ундан хижолат чекади».

Айтадилар: «Чиройли хулқ дўст орттиради, ёмон хулқ эса яқин кишиларингдан узоқлаштиради».

Айтадилар: «Мулойим сўз қотиб, тошга айланган юракни ҳам юмшатади, қаттиқ сўз ипакдан юмшоқ юракни ҳам метинга айлантиради».

Чиройли хулқнинг аломатларини сўрасанг, улар қуйидагилар: ҳаёли бўлиш, бировга озор бермаслик, тўғри сўзлик, кам сўзлаш, айтганини амалда исботлаш, ҳар бир ишда ортиқчаликка йўл қўймаслик, сабрли, меҳрибон ва шафқатли бўлиш, одамларни лаънатламаслик, сўкмаслик, чақимчилик, бахил ва ҳасадчи бўлмаслик каби хислатлардир.

ҲИКМАТЛАР

●Доно кишининг тили юрагининг ичида, агар у сўзламоқчи бўлса юрагининг ичига назар солади. Фойдали бўлса сўзлайди, фойдали бўлмаса тилини беҳуда қимирлатмайди.

●Нодон одамнинг юраги тилининг устида бўлади. Шунинг учун тилига нима келса қайтармайди, юрагининг тубига назар солмай, бўлар-бўлмас гапларни алжийверади.

●Ўйлаб иш тутиш инсон устидан ҳоким бўлганда эди, ҳеч ким хатар домига тушмаган бўларди.

РОСТГЎЙЛИК

Ростгўйлик—инсоннинг ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил, олижаноб ва мард эканини кўрсатиб турувчи далилдир. Дунёда ростгўйликдан кўра кўркамроқ хулқ ва табиат йўқ!

Дунёда ростгўйликдан кўра шарафлироқ хислат ва иқбол, ундан кўра таъсирлироқ наф қилувчи нарсани топиш маҳол: демак, шундай экан, эй фарзанд, ростгўйликнинг арқонига ёпиш, уни доимий одатингга айлантир, табиатингга маҳкам ўрнат! Чунки ростгўйликдан саломатлик ҳосил бўлади, у орқали ғам, хатар ва кулфатдан қутуласан, одамларнинг эса ишончини оқлайсан!

Ростгўйлик—адабнинг устуни, инсонийликнинг асоси. Ҳар ким адаб ва инсонийликка етишаман деса, ростгўйликни четлаб ўтиб етолмайди. Чиройли сўз агар рост айтилган бўлса, айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам манфаатлар етказади. Тўғри сўзлаб ўлмоқ ёлғон гапириб қутулмоқдан афзал. Ростлик — яхшилик сари етаклайди, яхшилик эса саодатга етказади.

ҲИКМАТЛАР

●Ота-онанинг ёмонлиги фарзанднинг ҳам ёмон бўлишига далил бўла олмайди. Фарзанд ўзгаларга ибрат кўзи билан боқиб, етук инсонга айланиши мумкин. Марваридни қара, ичишга ярамайдиган шўр сувдан чиқади.

●Юракка ўрнашиб кетган манманликни йўқотишдан кўра, тоғни игна билан йиқитиш осонроқ.

●Қаноат — иззатнинг асоси, ўлмайдиган боқий хазина қуримайдиган дарахт, завол топмайдиган мулк.

●Қаноат дурдоналарини ҳамма ҳам топавермайди. Бу дурлар ҳақиқий инсонларнинг, софдил кишиларнинг насибасидир.

ЮМШОҚ СЎЗЛИК ВА МУЛОЙИМЛИК ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА

Юмшоқлик ва мулойимлик нима? Юмшоқлик ва мулойимлик—ғазаб олови аланга олганда ўзингни тутиб қолишнинг ва бу хислатинг билан ўзингни жоҳил одамларга ўхшашдан сақлаб қолишингдир.

Мулойимлик, ширин сўзлик, юмшоқликнинг олижаноблик томонларидан бири—ўч олиш, уриш, сўкиш кудратига эга бўлган ҳолда, аксинча кечириш, нотўғри ишни бақириб-чақирмай, мулойимлик билан тушунтиришдир. Кўполлик ва бадфеъллиқдан фақат шу феълни қилувчининг асаб торлари эмас, бошқаларники ҳам узилади.

Юмшоқ сўзли ва мулойим табиатли кишиларнинг вазифаларидан бири шуки, улар нодон табиатли, сержаҳл ҳамда кўпол кишиларга насиҳат қиладилар, уларнинг айбини хилватда тушунтирадилар. Қабул қилса—нур устига нур, борди-ю, бўйин товлаб, бу феълидан кечмаса ундай одамдан узоқлашиш зарур. Бир кўпол сўз эшитиб, кун бўйи хафагарчилик ўти остида қовурилиш кимга ҳам ёқади?

Мулойим ва юмшоқ сўзликнинг фойдаларидан бири шуки, бундай табиатга эга кишиларнинг обрўйи кундан-кунга ошиб боради. Кўполдан одамлар қочади, мулойим киши билан дўстлашишга интилади.

ҲИКМАТЛАР

●Очкўзнинг қотили—унинг очлиги.

●Нафс шарридан омон бўлган киши барча ниятига етади.

●Кишининг ўз фазилати билан фахрланиши аждоди ва асли билан фахрланишидан афзал.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Ўз.Рес.КМБ Тошкент вилояти филиали томонидан 2003 йил 28 апрелда Исамуҳамедов Ҳасан номига берилган TV №008147 серияли Қибрай тумани Маткабулов к.ф.й.манзилида жойлашган бино ва иншоотларига тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси мазкур бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдулла Сулаймонхўжаевга волидаи муҳтарамаси

ТОЖИХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.





Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги

ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИИББ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ, ЮНУСОБОД ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ, «ПОСТДА» ҲАМДА «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТЛАРИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

ОДАТДА ЁШИ УЛУҒ КЕКСАЛАРИМИЗ ДУОГА ҚЎЛ ОЧАР ЭКАН: «ЙЎЛЛАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН», — ДЕГАН ОЛИЖАНОБ ТИЛАКНИ БОТ-БОТ ТИЛГА ОЛАДИ. БИНОБАРИН, АНА ШУ СОДДАГИНА, ЎЗБЕКОНА ЛУТФДА УЛКАН БИР ҲИКМАТ, ТЕРАНЛИК, ХАЛҚИМИЗГА ХОС МЕҲРУ МУРУВВАТНИНГ МУЖАССАМЛИГИНИ КЎРАМИЗ. ЗОТАН БИЗГА ҲАДЯ ЭТИЛГАН УМРНИНГ ҲАР БИР СОНИЯСИНИ ДАХЛСИЗ САҚЛАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДАДИР.

Шу маънода ҳар йили Республикамиз ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш, пиёдаларнинг ҳаракатларини тартибга солиш, катта-кичик транспорт ҳайдовчиларининг ҳаракат қоидаларини қанчалик билиши, давлат ва жамоат ташкилотларида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жараёнларнинг ўрганилишига қаратилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» тадбири ўтказиб келинади. Айтиш мумкинки, бу борада олиб борилаётган комплекс тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бериши баробарида ҳамон инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдирувчи кўнгилсиз воқеаларнинг учраб тураётганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Аниқ маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, ҳар йили шаҳримиз кўчаларида 2500 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлади. Бунинг оқибатида 200 дан ортиқ ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳаётдан бевақт кўз юмишади. 3000 га яқин инсонлар эса турли даражада тан жароҳати оладилар. Бу йилги йўл-транспорт ҳодисаларининг 500 таси келажагимиз ворислари ҳисобланган болажонларимиз томонидан содир этилган бўлиб, уларда 20 нафардан ортиқ ёш болаларнинг умри завол бўлди. Яна шунча миқдордаги болалар турли кўринишда тан жароҳати олганлар.

Бу йилги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги»да ишлаб чиқилган режага кўра шаҳримиз бўйича бир қатор амалий тадбирлар бажарилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг «Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига мурожаатнома»си, ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларини ушбу ойликда фаол иштирок этишга қаратилган даъватномалари бўйича корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, мактабгача таълим даргоҳларида бир қатор тадбирлар, учрашувлар ўтказилди.

Яқинда бу борадаги ишларни холисона ўрганиш, таҳлил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Юнусобод тумани халқ таълими бўлими, «Постда», «Оқшом» газеталари таҳририятлари ҳамкорлигида қўшма рейд ўтказилди. Унда Юнусобод туманидаги мактабгача тарбия, ўрта умумтаълим мактаблари ва шаҳримиз кўчаларидаги ушбу ойлик билан боғлиқ жараёнлар таҳлил этилди.

Кўзланган асосий режага кўра дастлаб Юнусобод туманидаги «Истиқлол» номли 501-санатор типидаги мактабгача тарбия муассасаси, сўнгра эса 220, 265-ўрта умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган «Камалак», «Ғунча» номли ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» бўйича ўтказилаётган тадбирлар билан яқиндан танишилди. Айтиш мумкинки, ҳар уччала муассасада ҳам йўл белгилари, пиёдалар ҳаракати, транспорт турлари, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳақида аниқ маълумотлар бериб борилмоқда, шунингдек, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида тегишли ташкилотлардан мутахассислар ҳам жалб этилади. Рейд гуруҳи аъзолари ўқувчилар билан танишиш давомида уларнинг ҳаракат хавфсизлигига доир билим ва кўникмаларини ҳам синовдан ўтказдилар. Айниқса, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлимининг катта инспектори, капитан Бобур Мўминов, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Маънавият ва маърифат ишлари бўлимининг бош мутахассиси Салтанат Тўлаганова, Юнусобод тумани халқ таълими бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси котибаси Саодат Султоноваларнинг йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан маслаҳат ва йўл-йўриқлари ўқувчиларда ўзига хос қизиқиш уйғотди.



— Болалик — ҳамма нарсага қизиқувчанлик, ўйинқароқлик, шу билан бирга беғубор даврдир,—дейди 220-ўрта умумтаълим мактабининг «Камолот» ва «Камалак» бошлангич ташкилотлари сардори Ойбек Умрзоқов, биз билан суҳбатда. — Шу боис гарчи ўзим шу мактабнинг 9-синфида таълим олаётган бўлсам-да, тенгдошларим ва ўзимдан кичик ёшдаги укажонларимга йўл ҳаракати қоидаларига ҳамиша риоя этиш зарурлигини тушунтираман. Негаки мен бугунги тинч, осуда, фароғатли кунлар эртага автомашиналар ғилдираги остида саробга айланмасин, дейман.

Шундан сўнг рейд гуруҳи аъзолари шаҳримизнинг Амир Темур—Шаҳристон, Навоий—Амир Темур ва Паркент—Ҳабиб Абдуллаев кўчалари кесишган жойдаги чорраҳалардаги мавжуд ҳолатларни ўрганиш, вазиятни холис баҳолаш, пиёда ва ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш мақсадида ҳамшаҳарларимиз ва ҳайдовчилар билан мулоқотда бўлдилар. Гуруҳ аъзоларининг ишларини мувофиқлаштиришда йўл патруль хизмати ходимларидан — катта сержантлар Ёқуб Парпиев, Наримон Рўзметов, кичик сержант Жамшид Раҳимбоевларнинг хизмати катта бўлди. Ўрганиш ва текширишлар натижасида 5 нафар ҳамшаҳаримизнинг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги»дан бутунлай бехабарлиги маълум бўлди. Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, шаҳримиз кўчалари ва чорраҳаларида: «Диққат! Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда!» деган сўзлар акс этган кўргазмалар осиб қўйилган ва бунга эътиборсизлик кишини ажаблантиради. Айтиш жоизки рейд давомида ҳайдовчи С.Худойназаров бошқарувидаги «Нексия» русумидаги автомашина йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузганлиги учун тўхтатилди ва ҳайдовчига нисбатан маъмурий чора қўлланилди. Бундан ташқари бир қатор қоидабузар пиёда ва транспорт ҳайдовчилари ўртасида маънавий, маърифий аҳамиятга молик тушунтириш ишлари олиб борилди.

Биз рейд натижаларини бир сўзда якунламоқни лозим топдик: умр аталмиш ўлчоқлик, кўз-очиб юмгунча ўтиб кетадиган даврни беиз, афсус-надоматлар билан ўтказмайлик, арзимаган эътиборсизлик туфайли қанчадан-қанча фалокатлар содир бўлишини, бевақт ўлим, умрбод майиб-мажруҳликка маҳкум этилиш мумкинлигини ёдимиздан чиқармайлик. Азиз умримизнинг ҳар бир лаҳзаси соғлик-саломатликда, тинч-осуда ўтсин!

Бобур МЎМИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори, капитан.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист

СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманидаги мактабгача тарбия муассасалари, ўрта умумтаълим мактаблари ва кўчаларда ўтказилган қўшма рейддан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

Футбол

КУЧЛИЛАР КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

КЕЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ А ВА В ГУРУҲЛАРИДАГИ ЖАМОАЛАР УЧИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШДИ.

Берлиндаги стадионда ўтказилган Эквадор ва Германия терма жамоалари ўртасидаги беллашув, гарчи ҳар иккала жамоа нимчорак финалга йўлланма олганликлари боис унчалик қизиқарлидек туюлмаса ҳам, лекин майдон эгаларининг чемпион бўлиш борасидаги имкониятларини аниқлашда ўзига хос ўрин тутиши аниқ эди.

Ўз ўйин услубларига содиқ қолган ҳолда германияликлар футболчилар учрашув бошиданоқ ташаббусни қўлларига олдилар. Подольски, Нойвил, Клозе, Баллак, Шнайдерлар рақиб ҳимоячиларини эсанкиратиб қўйишди. Ва биринчи тўп узоқ куттирмади. 4-дақиқадаёқ германияликларнинг бош «бомбардири» Миослов Клозе ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Ўзига хос ўйин услубига эга эквадорликлар ҳам вақти-вақти билан қарши ҳужумлар уюштириб туришган бўлса-да, майдон эгаларининг яққол устунликлари учрашув давомида сезилиб турди.

44-дақиқада Михаэл Баллакдан тўпни қабул қилиб олган Клозе тиззаси ёрдамида усталик билан уни олдинга ўтказиб дарвозабонни алдаб ўтди ва жуда чиройли голнинг муаллифи бўлди—2:0.

Иккинчи бўлим ҳам юқори тезликлар остида, хавфли ҳужумларга бой тарзда ўтган бўлса-да, дарвозалар фақат бир-бир забт этилди. 57-дақиқада ўнг қанотдан тўпни қабул қилиб олган Лукаш Подольски марказдан туриб уни дарвозага аниқ йўллади.

Шундай қилиб, 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришган германияликлар гуруҳ босқичида юз фоизлик натижа кўрсатиб 1/8 финалга чиқишди.

Гуруҳ аутсайдерлари—Коста-Рика—Польша жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам қизиқарли ўтди. Ҳар иккала жамоанинг кучлари нисбатан тенглиги сабабли, гоҳ у, гоҳ бу терма ҳужумлар уюштириб турди. Ҳисобни эса 23-дақиқада Коста-Рика термаси ҳужумчиси Рональд Гомес ўзига хос тарзда очди: белгиланган жарима зарбасини ерлатиб шундай усулда бердики, «жонли девор»да турган жамоадошлари ўз жойларини бўшатиб тўпга йўл беришди. Натижада тўп зарбани назорат қила олмаган дарвозабоннинг оёқлари ёнидан ўтиб, дарвоза тўрига жойлашди. Сўнг поляклар ҳужумга зўр беришди. Қизиғи шундаки, 33 ва 66-дақиқаларда поляклар ҳимоячиси Бартош Басацки киритган иккита гол ҳисобига европалик футболчилар 2:1 ҳисобидаги ғалабага эришишди.

В гуруҳида Швеция—Англия жамоалари иштирокидаги баҳс ҳам очиқ, ҳужумкор ва голларга бой тарзда кечди. Натижада икки бор англияликлар ҳисобида олдинга ўтиб олган бўлсалар-да, шведлар уни тенглаштириб туришди. Шведлар етакчиси Златан Ибрагимович яхши спорт формасида эмаслиги сабабли, ўйинда Хенрик Ларссон ташаббусни қўлига олди.

Айниқса англияликларнинг биринчи голлари жуда чиройли бўлди. Жо Коул чамаси 30 метрлардан ўнг бурчакнинг тўққизлик қисмига шундай аниқ ва кучли зарба бердики, тўп дарвозабоннинг қўлига теккан ҳолда тўрга тушди.

51-дақиқада швецияликлар ҳужумчиси Маркус Ольберг ҳисобни тенглаштирди. Стивен Жерард 85-дақиқада Англия термасини яна бир бор олдинга олиб чиқди. Бироқ сўнгги нуқтани майдонда жуда фаол ҳаракат қилган Хенрик Ларссон қўйди ва 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Нимчорак финалда Швейцария—Германия, Англия—Эквадор жамоалари беллашадиган бўлди.

Чемпионат тўпурарлари баҳсида эса 4 та гол киритган Миослов Клозе (Германия) ва уч тўп соҳиби Фернандо Торрес (Испания) пешқадамлик қилишмоқда.

Бугун С ва D гуруҳи вакиллари учинчи тур учрашувларини ўтказишади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

МУҲИМ УЧ ОЧКО

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ 14-ТУР БАҲСЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ УЧРАШУВИ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Ўз майдонларида Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан куч синашган пахтакорчилар айтиш жоизки, шу куни ажойиб футбол спектаклини ўз мухлисларига намойиш этишди. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, турнир жадвалининг иккинчи поғонасида бораётган «Машъал» жамоасининг Непомняший шогирдларига муносиб қаршилик қилиши кутилганди. Аммо, тўпни жамоадошига аниқ узатишда, рақиб дарвозаси томон хавфли ҳужумлар уюштиришда муборакликлардан устунлик қилган пахтакорчилар 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасини уч марта аниқ нишонга олиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қола олишди. Голларни дарвозага Байрамов, Солиев, Учелар киритишди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» — «Металлург» — 1:0, «Насаф» — «Бухоро» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Самарқанд—Динамо»—0:1, «Андижон» — «Навбаҳор — Н» — 2:1, «Тўпаланг» — «Нефтчи» — 2:3, «Қизилқум» — «Хоразм» — 5:3, «Шўртан» — «Трактор»—3:2.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 15-тур беллашувлари 24 июнь куни бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Мунажжим башорати

НОХУШЛИКЛАР ОРТДА ҚОЛГАН...

22 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Вазият бугун анча барқарорлашади. Асосий ўзгаришлар ва баъзи нохушликлар ортда қолади. Ҳар қандай ижодий жараён олдида бўлганидек, бошдан кечирилганларни қайта идрок этиш керак бўлади. Ишларингизда керакли ахборотлар ва кўмакка эга бўласиз.

Бугун молиявий манфаатли битимларга эришишингиз мумкин. Лекин, шунга қарамай, гап-сўзларингизда, баённотларингизда ва айниқса бирон-бир тарзда ўзлигингизни намоён этишда эҳтиёткорликка риоя этишингиз керак бўлади. Ўз имкониятларингизга ортиқча баҳо бериб юбора кўрманг. Ишларингиз юришишида ҳимоя ва ҳомийликка муҳтожлик сезасиз.

Тез орада долзарблигини йўқотадиган ҳар қандай ишни бошлаш хайрли бўлади. Яна банк амалиётлари, илмий тадқиқотлар, шартномаларни имзолаш, қурилиш ишлари, ёзишмалар, ахборотлар алмашинуви ҳам самарали бўлиши кутилади.

Дам олиш, шаҳар ташқарисига сайру саёҳатлар, кабобхўрлик, улфатчилик учун ҳам бугунги кун жуда қулай ҳисобланади. Хизматчилик ва ўзаро шерикчилик ишларини кечиктириб тура туринг. Ҳаммом қилиш, массаж, терини тозалаш учун ҳам бугунги кун қулай келади.

Бугун одамлар тушириб қолдирган бирон-бир нарса ва буюмларни олиб бўлмайди – бу билан сиз бировлар юкини зиммангизга олган бўласиз. Ҳар қандай майда-чуйда мулк ёки пулларни йўқотиш нохушликлардан халос бўлиш ва покланишни билдиради. Фақат йўқотганларингизга ачинманг – шунда сизга кутганингиздан ҳам ортиғи билан қайтади. Ҳовлингизда гулнинг очилиши ҳам бугун яхшилик аломатларидандир.

Фақат ёрқин ва аниқ-тиниқ тушлар башоратли бўлади. Айниқса, қуёш кўтарилгандан кейинги тушларни ёдингизда сақлаб қолишга ҳаракат қилинг.

Оқ, сариқ ва юлғун рангли либослар бугун сиз учун омадли бўлиши аниқ. қора, кўк ва жигарранг туслардан воз кечишингиз кўпроқ матлубдир.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6